КУТУБХОНАЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИ ДАСТУРИ





Асал Абидова,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси каталоглаштириш ва тизимлаштириш хизматининг етакчи мутахассиси

Annotation: In the article, the author shares information about an international seminar for specialists in the library sphere that took place at the end of the outgoing year, which took place in two stages - online and offline. As a participant in this event, she tells in detail about the educational processes included in the project "Cooperation in the field of education of the Commonwealth libraries", which was developed by the Russian State Library together with the CIS, compatriots living abroad, and the Federal Agency for International Humanitarian Cooperation (Rossotrudnichestvo). This project is international and, according to the author, the first stage was carried out remotely, without interrupting the main work. For two weeks, specialists studied the theory of the phenomenon of digital transformation, the basics of communication in relation to culture, science and libraries. The project was continued directly in Moscow, in the conference hall of the Russian State Library. Within five days, 29 young specialists from the CIS countries shared their theoretical knowledge and shared their opinions on the example of their library.

Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан ҳамкорлиги барча жабҳаларда намоён бўлмоқда. Бу борада айниқса таълим ва ёш кадрларни тайёрлаш йўналишидаги кенг қамровли ришталар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб бораётгани эътиборлидир.

Россия Давлат кутубхонаси томонидан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, хорижда яшовчи ватандошлар ва халқаро гуманитар ҳамкорлик бўйича федерал агентлиги (Россотрудничество) билан биргаликда ишлаб чиқилган «Ҳамдўстлик кутубхоналарининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги» лойиҳаси шу жумладан мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги амалий ишларнинг ёрқин намунаси десак, муболаға бўлмайди. Ушбу лойиҳа халқаро бўлиб, икки босқичда «Янги авлод» хорижий давлатларнинг жамоат, сиёсий, илмий ва ишбилармон доиралари ёш вакилларининг Россия Федерациясига қисқа муддатли танишув сафарлари дастури доирасида амалга оширилиб келинмоқда.



Таъкидлаш жоизки, ҳар бир лойиҳа, унинг ҳар бир босқичи Россотрудничество томонидан кенг кўламли ҳамкорлар билан ҳар бирининг алоҳида маданий ва ишбилармон дастурига мувофиқ маслаҳатлашган ҳолда ишлаб чиқилган йирик дастур сифатида ўзига хос ноёб воқеа сифатида эътироф этилади. Саёҳат дастуридан фан ва маданият арбоблари, етакчи ахборот агентликлари вакиллари билан учрашувлар, давлат органлари ва жамоат ташкилотларига ташрифлар, шунингдек делегациялар аъзолари Россиянинг бой маънавий ва маданий мероси билан танишув лойиҳалари ўрин олган.

Жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Арманистон, Белоруссия, Тожикистон мамлакатларининг миллий ва минтақавий кутубхоналаридан 25-35 ёшгача бўлган мутахассислар иштирок этган мазкур лойиҳа асносида «тескари ўқитиш» (flipped

learning) тамойилларидан фойдаланилгани, бунда билимларни тўғридан-тўғри етказиш вазифаси масофавий таълим технологиялари (ДОТ)нинг дарсдан ташқари доирасида ўтказилиб, амалий машғулотларда ўқувчилар янги кўникмалар борасида бемалол бахслашиши мумкин бўлган динамик таълим майдонига айлантирилиши катта аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, лойиҳанинг биринчи босқичи сиртқи шаклда, мутахассисларни асосий ишидан ажратмаган ҳолда, масофавий таълим йўналишида ўтказилди. Икки ҳафта давомида ёш мутахассислар рақамли трансформация феноменининг назарияси, маданият, фан ва кутубхоналар билан боғлиқ коммуникатив мулоқот асосларини ўрганишди.

Лойиҳа 15-19 ноябрь кунлари бевосита Москва шаҳрида, Россия Давлат кутубхонаси тасарруфидаги кутубхонашунослик ва китобшунослик бўйича адабиёт бўлими анжуманлар залида давом эттирилди. Беш кун давомида МДҲ мамлакатларидан ташриф буюрган 29 нафар ёш мутахассис назарий билимларини биргаликда муҳокама қилиб, ҳар бири фаолият юритаётган кутубхонаси мисолида фикр-мулоҳазалар билдирди. Тингловчилар инновацион ривожланиш амалиёти билан тезкор «Инновация йўналишларини аниқланг» уйинида қатнашиб, танишиш имкониятига эга бўлишди. Кутубхоналарни ривожлантиришнинг стратегик режасини тузишда ақлий ҳужум усулидан фойдаланиш, кутубхоналар эксклюзивлигини намоён этиш, экспериментал усулларни кенг қўллашга оид кўргазмали тақдимотлар бўлиб ўтди. Иштирокчилар кутубхоначиликда ишбилармонлик мулоқотини юритиш, унинг вазифалари, йўналишлари ва долзарб муаммолари ҳақида амалиётчилар билан мулоқотда бўлишди.



Лойиҳа Россия давлат кутубхонаси ва Москва давлат лингвистика университетининг юқори тоифали мутахассислари ва ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган сиртқи ва кундузги ўқитиш бўйича таълим дастурининг якуний тест синовлари ҳамда иштирокчиларга малака ошириш учун белгиланган намунадаги сертификатлар топшириш маросими билан якунланди.

Қўшни мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар учун Россия давлат кутубхонаси, Россия давлат ёшлар кутубхонаси ва Россия давлат болалар кутубхонасининг китоб омбори ва ўқув заллари бўйлаб экскурсиялар ташкил этилди. Танишувлар давомида ахборот-кутубхона соҳасидаги энг қизиқарли ва аҳамиятга эга лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди, ҳамкасблар ўртасида профессионал даражада маслаҳатлар алмашилди.

Турли учрашувларга бой бўлган мазкур ҳамкорлик дастури касбий билимларни мустаҳкамлаш, соҳа янгиликларидан тизимли боҳабар бўлиш, ёшлар ва жамоат ташкилотлари билан узоқ муддатли алоқаларни йўлга қўйиш, тармоқлараро ришталарни янада кенгайтириш борасида халқ дипломатияси мулоқотини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Асаль Абидова - ведущий специалист службы каталогизации и систематизации Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои.

В статье автор делится информацией о международном семинаре для специалистов библиотечной сферы, прошедшем в рамках проекта «Сотрудничество в сфере образования библиотек Содружества», разработанного Российской государственной библиотекой совместно с СНГ и Федеральным агентством по международному гуманитарному сотрудничеству (Россотрудничество). Данный проект является международным и, по автору, первый этап проводился дистанционно, без отрыва от основной работы. В течение двух недель специалисты изучали теорию феномена цифровой трансформации применительно к культуре, науке и библиотекам. Проект получил продолжение в Москве, в конференц-зале Российской государственной библиотеки. В течение пяти дней 29 молодых специалистов из стран СНГ поделились своими теоретическими знаниями и поделились своим мнением на примере действующей у них библиотеки. ■